

# САВДО КОРХОНАЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШДАГИ МУАММОЛАР

Х.У. Пўлатов СамИСИ катта ўқитувчи

**Аннотация:** Мақолада савдо корхоналарни солиққа тортишдаги муаммолар очиб берилган

**Калитли сўзлар:** рақамли савдо, чакана савдо, ташқи савдо, курьерлик хизматлари, ички савдо, савдода чегирма

**Аннотация:** В статье раскрываются проблемы налогообложения торговых предприятий.

**Ключевые слова:** цифровая торговля, розничная торговля, внешняя торговля, курьерские услуги, внутренняя торговля, торговые скидки.

**Abstract:** The article reveals the problems in taxation of trade enterprises

**Keywords:** digital trade, retail trade, foreign trade, courier services, domestic trade, trade discount

**Савдо фаолияти** деганда, умуман олганда, сотиш учун четдан сотиб олинган товар-моддий бойликларни сотиш тушунилади. Бундай фаолият негизида сотиб олинган товарларни сотиб олишга кетган сарф-харажатлари (таннархи) устига маълум устама суммасини (қўшимча нархларни) қўйиб сотиш ётади.

Ўзбекистон Республикасида савдо фаолияти давлат томонидан тартибга солинадиган фаолият ҳисобланади.

Корхоналарнинг ўзлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар)ни сотиш савдо фаолияти ҳисобланмайди, балки маҳсулотлар (иш, хизматлар)ни сотиш жараёни деб аталади. Сотиш жараёнисиз корхонанинг таъминот ва ишлаб чиқариш жараёнларини узлуксизлигини таъминлаб бўлмайди. Сотиш жараёнини ишлаб чиқариш корхонаси ўз омборларидан ҳам, бевосита хусусий савдо дўконлари орқали ҳам амалга оширишлари мумкин. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни бевосита савдо дўконлари орқали сотиш уларни тезроқ,

чунончи ортиқча бўғинларсиз ва арзон баҳоларда, истеъмолчиларга етиб боришига, шунингдек моддий бойликларни тезроқ пул маблағларига айланишига имкон беради. Шу билан бирга республикамизда қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда корхоналарнинг айрим фаолият турларини савдо ёки савдо бўлмаган фаолиятга олиб бориш тартиби аниқ ифодаланмаган. Жумладан, уларда ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда туристик-меҳмонхона мажмуаларининг умумий овқатланишни ташкил қилиш фаолиятини, шунингдек асосий воситалар ва бошқа активларни турли объектив ва субъектив сабабларга кўра сотилишини қайси фаолиятга киритиш масаласи аниқ ифода этилмаган. Шу боис амалиётда ишлаб чиқариш корхоналари ва туристик-меҳмонхоналарнинг ушбу фаолият турларини солиққа тортиш борасида турли мунозаралар ва тортишувлар мавжуд.

Ишлаб чиқариш корхоналари ва туристик–меҳмонхона мажмуаларининг умумий овқатланишни ташкил қилиш бўйича фаолияти, одатда, уларнинг махсус бўлинмаси орқали амалга оширилади. Бундай бўлинмалар бўлиб, ишлаб чиқариш корхоналарида ошхоналар, туристик-меҳмонхоналарда эса - ошхона, ресторан, кафе, бар ва шу кабилар ҳисобланади. Ушбу бўлинмалар, бир томондан, корхоналарнинг асосий фаолиятига хизмат кўрсатувчи хўжалик ҳисобланса, иккинчи томондан, корхонанинг даромад келтирувчи махсус бўлинмаси ҳисобланади.

Хизмат кўрсатувчи хўжалик сифатида умумий овқатланишни ташкил қилиш бўлинмаси томонидан бажарилган ишларнинг қиймати асосий фаолиятга доир даромад ва харажатларда ўз аксини топади. Жумладан, «Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом»га мувофиқ ишлаб чиқариш корхоналарида ишчи ва хизматчиларга бепул овқатланишни ташкил қилиш бўйича кўрсатилган хизматлар асосий фаолиятнинг таркибий қисми сифатида тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш таннархида ўз аксини топади.

Худди шундайин тартиб туристик-меҳмонхоналарда ҳам юз беради. Ўзбекистон Республикасининг туризм фаолияти тўғрисида қонуни (3 - модда)га мувофиқ туристларга кўрсатиладиган хизматлар таркибига умумий овқатланишни ташкил қилиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар ҳам киради, яъни улар туристик йўлланма бўйича кўрсатилиши лозим бўлган мажбурий хизмат турларидан биридир. Ушбу хизмат турига сарфланадиган харажатлар туристларга кўрсатиладиган хизматлар таннархига ва таннарх орқали олинадиган даромад таркибига киради. Бундай тартиб меҳмонхонада тунаш ва овқатланиш учун квитанция бўйича бира тўла ҳақ тўлаган меҳмонларга ҳам тааллуқли.

Юқоридагилардан хулоса қилсак, корхоналарнинг умумий овқатланишни ташкил қилиш бўлинмасининг асосий фаолиятга хизмат кўрсатувчи хўжалик сифатидаги фаолиятини «савдо фаолияти» деб аташ мумкин эмас. Ушбу фаолият бевосита ишлаб чиқариш корхоналари ва туристик-меҳмонхона мажмуаларининг асосий фаолиятининг таркибий қисми ҳисобланиши ва унга доир танланган режимдаги солиқларга тортилиши лозим.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдукаримов Б.А. Корхона иқтисодиёти. Дарслик.// -Т.: Фан, 2005. -288 б.;
2. Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. 1-қисм. – Т.: Фан ва технология, 2007, 39-бет.;
3. Уразов К.Б. Савдода бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш.–Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2004.–336 б.; 101.
4. Urazov K. V. Buxgalteriya hisobi va audit: Oliy o'quv yurtlari uchun.– Т.: O'qituvchi, 2004. –448 б.;
5. Уразов К.Б., Вахидов С.В. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Дарслик.- Т.: «Адиб», 2011. – 480 б.;
6. Уразов К.Б. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг долзарб муаммолари. //«Сервис» журнали. 2009. №1. -Б.107-114.;
7. Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У., Аннаев М.Б., Исроилов Ё.Ж., Мардонов М.Ш. Хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг долзарб масалалари. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2011. – Б. 75-99;
8. Бухгалтерия ҳисобнинг миллий ва халқаро стандартлари